



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 28 апрель, № 83 (5503)

Шанба

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бухоро

Бухоро туманидаги “Спектроколор” хусусий корхонасида импорт ўрнини босувчи маҳсулот — бўёқлар таркибига қўшилаётган аралашма тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Янги технология асосида

Бу лойиҳани амалга оширишда банк томонидан ажратилган эллик миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланилди. — Офис ҳамда турар жойлар ички қисмини нафис, дидимизга мос тусда пардозлашда бундай аралашманинг ўрни катта, — дейди корхона раҳбари Рашид Усмонов. — Қолаверса, улар қурилиш бозорига

хориждан келтирилган турдош маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади. Биз айти дамда шундай аралашмадан ойига йигирма минг флакон тайёрлаш имконига эгамиз. Истиқболда маҳсулот таркибидagi маҳаллий хом ашё улушини ҳам ошириш ниятидамыз.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд

Ургут туманидаги “Сам Полен Текстиль” корхонаси цехларига хорижнинг “Volkspann” ва “Xipzit” русумли замонавий технологиялари келтириб ўрнатилди.

Харажат камайиб, қувват оширилди

— Ушбу лойиҳа “Ўзбек Лизинг Интернетшнл А.О.” компанияси кўмаги билан рўйбга чиқарилди, — дейди корхона бош ҳисобчиси Алишер Мамаев. — 500 минг АҚШ долларлик мазкур технологиялар ёрдамида йилига 210 тонна полипропилен ип ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Яна бир муҳим жиҳати, бу каби кенг кўламли техник ва технологик янгиланишлар туфайли электр энергияси сарфи 50 фоизгача қисқарди.

А. ҲАЙДАРОВ.

Қашқадарё

Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш кафолатидир.

Модернизация — давр талаби

Шаҳрисабз туманидаги “Носиров Тўра Улашович” хусусий корхонаси жамоаси ҳам ана шу мезон асосида фаолият юритаётгани боис бу ерда бежирим идишларга қадқоланаётган сўт маҳсулотлари бозорда ўз харидорини топапти. Гап шундаки, корхонанинг сутни қайта ишлаш цехида амалга оширилган техник ва технологик модернизация тадбирлари

туфайли 8 турдаги сут ва сут маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилиб, ишлаб чиқариш қуввати 3 баробарга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги 16 та сут ва гўшти қайта ишлаш корхонасида кенг кўламли модернизациялаш тадбирлари бажарилди.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Махсар ва кунгабоқар ўсимликларидан олинадиган ёғ маҳсулотлари табиийлиги шифобахшлиги билан ички ва ташқи бозорда харидоригр ҳисобланади.

Табиий ва харидоригр

Оққўрғон туманидаги “Роксалана барака оил” масъулияти чекланган жамиятида ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди. Эҳтиборлиси, мазкур лойиҳа банк кредитидан ташқари 80 минг АҚШ долларлик тўғридан-тўғри хориж сармоёси ҳисобига рўйбга чиқарилди. Маҳсулот сифати ва унумдорлигини таъминлаш мақсадида корхонага чет давлатлардан илғор технологик ускуналар олиб келинди. Ҳозир бу ерда 10 киши иш билан банд.

Таъкидлаш лозимки, ўтган йили туманда хориж сармоёси иштирокидаги корхоналар томонидан 1,2 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Тошкент чинниси:

Жиллар сеҳру синоати

Мустақиллик йилларида юртимизда хунармандлар фаолияти қўллаб-қувватланаётгани, уларга кўплаб имтиёзлар берилаётгани туфайли чиннисозлик жадал ривожланмоқда. Соҳага хорижнинг замонавий асбоб-ускуналари жалб этилаётгани маҳсулотни саноатлашган усулда, мақбул ҳажмда ишлаб чиқариш имконини бераётди. “Turon Porcelain” ёрлиғи остида чиқарилаётган маҳсулотлар шулар сирасига киради.

Гап шундаки, тадбиркор Ботир Султоновнинг хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган чинни буюмларга нафақат республика миқдорида, балки АҚШ, Россия давлатлари, шунингдек, Европанинг кўплаб мамлакатларида ҳам қизиқиш катта.

Пойтахтимиздаги мазкур корхона 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг маҳсулотлари ўтган қисқа даврда бозорда ўз ўрнини топа олди. Ҳозирги пайтда бу ерда “Оқ олтин”, “Товус”, “Атлас”, “Қора шахзода”, “Шоҳона”, “Тонг”, “Зебра” сингари миллий ва замонавий дизайндаги кўплаб

тўпламлар ишлаб чиқарилаётган. Ҳар бир тўплам чойнак, пиёла, коса, лаган каби жами 350-400 хилдаги рўзгор буюмларини ўз ичига олади. Уларнинг сифати юқорилиги боис тобора харидорнинг бўлиб бораёпти. 2012 йилнинг биринчи чорагида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоиз ўсгани бунинг яққол далилидир.

— Чиннисозлик хунармандчилигининг энг мураккаб, шу билан бирга, такомиллашган турларидан бири ҳисобланади, — дейди корхона раҳбари Ботир

Султонов. — Чунки у узок йиллар давомига тобора сайқаллашиб, санъат даражасига кўтарилди. Бир сиким лой инсон меҳнати, унинг маҳорати билан бежирим буюмга айланиши чиндан-да ҳайратланарли ҳолдир. Бу жараён устадан сабр ва ҳафсалани талаб этади. Шунинг учун ушбу хунарга иштиёқманд ёшларга соҳа сир-асрорларини кунт билан ўргатаман. Айти пайтда беш нафар шоғирдим чиннисозлик касбинини пухта ўзлаштириб олишди. Улар, ўз навбатида, касаначилик асосида ишга олинган саккиз нафар

кишига устозлик қилишаёпти. Натижада ойига ўртача 7-8 мингта буюм қўлдан чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда корхонада фақат уй-рўзгор буюмлари тайёрланаёпти. Жорий йилда бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йилда кўзда тутилган. Шу мақсадда чинни заводи қуриш саъй-ҳаракати бошлаб юборилди. Мазкур заводни жиҳозлаш учун қарийб 200 миллион сўм эвазига Хитой давлатидан замонавий технологик линиялар олиб келинади. Натижада келгусида ишлаб чиқариш тизимли йўлга қўйилади.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: корхона фаолиятиндан лавҳа. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Илғор ишланмалар, юксак самаралар

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, мавжуд қувватларни энг замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлашга устувор вазифалардан бири сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда.



Бу жараёнда илм-фан ютуқлари ва илғор инновацион ишланмаларнинг изчил жорий этилаётгани муваффақиятлар гарови бўлаётди.

Кейинги йилларда, айниқса, саноат тармоқларида эҳтиёж юқори бўлган технологияларнинг салмоқли қисми юртимизда яратилаётгани диққатга сазовордир. Шубҳасиз, бу республика миқдорида илмий изланиш билан шуғулланаётган тадқиқотчи-олимларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун етарли шарт-шароит яратиб бериш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси М. Ҳасанов номидаги Механика ва иншоотлар сеҳми муштакамлиги институти илмий жамоасининг фаолияти бунга яққол далил бўла олади.

Дарҳақиқат, эътибор ва рағбатдан руҳланган институтимиз олимлари фундамента ҳамда амалий тадқиқотлар олиб бориб, кўплаб ихтиролар қилишмоқда. Янги ишланмалар аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилиб, амалиётга жорий

қилинаётди. Айти пайтда бешинчи бор ўтказиладиган мазкур тадбирга пухта ҳозирлик қўраппимиз.

Олимларимизнинг бир гуруҳи автомобилсозлик саноатида талаб катта бўлган амортизаторнинг янги конструкциясини яратишга муваффақ бўлишди. Автоматик бошқарилувчи мембрана типидagi бу ишланма йўл нотекислигига қарамай, автомобилнинг раван юришини таъминлайди. Унга патент олинган, ишлаб чиқаришга қўллаш учун тавсия этилди.

Маълумки, бугунги кунда амортизатор, асосан, четдан келтириляпти. Янги конструкция асосидаги ушбу бутловчи қисмини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши, иқтисодий самардорликка, энг асосийси, ҳайдоқчи ва йўловчилар учун қулайлик яратилади. Чунки у юқори даражали ишончлик ва эластик хусусиятга эга бўлиб, машинанинг бир меъёрда ҳаракатлишини таъминлайди.

(Давоми 2-бетда).

Маънавий баркамоллик сари

Инсон камолотида, шахс сифатида шаклланишида маънавий етуқлик беқиёс ўрин тутаети. Зеро, ҳар бир халқнинг келажаги унинг маънавий қудрати билан чамбарчас боғлиқдир.

Танлов

Шу боис Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида маънавий юксалишга, маърифий баркамоллик сари интилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирги кунда, айниқса, ёшлар онгу тафаккурида урф-одатларимизга, азалий қадриятларимизга ҳурмат, улар қалбига Ватанга муҳаббат туғилуларини камол топтиришда маънавийят ва маърифат тарбиясининг аҳамияти беқиёсдигига юксак урғу берилмоқда. Юртбошимизнинг 2006 йил 25 августда эълон қилинган “Миллий гоё тарбияоти ва маънавий-маърифий

ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори эса бу борадаги вазифаларни янгича ва таъсирчан руҳда давом эттиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода “Йилнинг энг фаол маънавий тарбияоти” республика кўрик-танлови алоҳида мазмун-моҳиятга эга.

Кунги кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида “Йилнинг энг фаол маънавий тарбияоти” республика кўрик-танлови голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

Яхши хабар

Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси

Оптик толали алоқа

мажлисидаги маърузасида телекоммуникация тармоғини кенгайтириш, уни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш лозимлиги, жорий йилда 172 километрдан ортиқ бўлган “Ургут — Шаҳрисабз” ва “Бойсун — Денов” оптик толали алоқа линияси қурилиши мўлжалланганлиги алоҳида таъкидланган эди.

Шу кунга қадар “Телеком инвест” корхонаси бунёдкорлари “Ургут — Шаҳрисабз” оптик толали алоқа линияси қурилиши лойиҳасини яқунига етказишди. Энди жамоа иккинчи лойиҳани амалга оширишга киришди. Амалиётда, кунги кеча умумий узунлиги қарийб 100 километрни ташкил этадиган ушбу алоқа линиясини ётқизишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда айтилганидек, мазкур лойиҳа рўйбга чиқарилиши билан қўшимча алоқа каналлари ҳамда провайдерларнинг эҳтиёжларини тўлалигича қондириш имконияти вужудга келади.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўҳна Тупроққалъа — фестивалга мунтазир



ҳамкорлигида ташкил этилган “Асрлар садоси” аънавий маданият фестивали бўлиб ўтади.

Жорий йилнинг 5-6 май кунлари Қорақалпоғистон Республикасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси

Мазкур тадбир бундан тўрт йил муқаддам Китоб туманида ўтказилган эди. Сўнгра Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Бўстонлиқ туманлари, Хива шаҳридаги Ичканқалъа тарихий-меъморий ёдгорликлар мажмуаси, 2011 йили эса қадимий Бухоро шаҳри фестивалга мезбонлик қилди. Қувонарлиси шундаки, йилдан-йилга “Асрлар садоси” фестивалининг халқаро доирадаги нуфузи юксалиб бормоқда.

Зеро, ҳозирги пайтга келиб, ушбу тадбирда юртимизда ижод қилаётган санъаткору хунармандлар билан бирга, хорижлик танкили санъат намояндлари доимий иштирок этишаётди. Асосийси, бу йилги фестивалнинг ҳам ёрқин, ранг-баранг чиқишларга бой бўлиши кутилмоқда. Яна ҳам аниқроғи, тадбир 5 май кунги катта халқ сайли билан бошланади.

(Давоми 4-бетда).

Ҳаракат хавфсизлиги ва масъулият

Республикада жорий йилнинг май ойида “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” кенг миқёсда ўтказилади. Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Ҳолматжон САЙДАЛИЕВ билан бўлган суҳбатда ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ва унинг аҳамияти хусусида сўз борди.

Тадбир

— Таъкидлаш керакки, ички ишлар тизимида, хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди у. — Вазирлик ташаббуси билан республика миқдорида ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келинаётган “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” ана шундай тадбирлардан бири ҳисобланади. Бундан кўзланган мақсад йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги ишлар

самарадорлигини ошириш, транспорт воситаси ва пиёдалар, хусусан, болалар иштирокидаги автоҳалокатларни бартараф этиш, автоуловлар техник тайёргарлигини яхшилаш, ушбу масалаларга жамоатчилик эътиборини жалб қилишдан иборат.

Шу ўринда айтиш жоизки, бундай ишлар фақат ойлик доирасидагина эмас, доимий равишда давом эттирилмоқда. Натижада йўл-транспорт ҳодисаси ва қондабузарлик кўрсаткичлари тобора ка-

майишига эришилаётди. Унутмаслик лозимки, автоҳалокатда бегуноҳ кишилар азият чекиши мумкин. Шундай экан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади. Бинобарин, аҳолида йўл ҳаракати қоидаларига ҳурмат, уларга риоя қилиш кўнмақасини шакллантириш нияҳатда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир инсон, у ҳайдовчи ёки йўловчи, ўзи ва атрофдагилар хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини чуқур англаб етса, бу муаммо ўз ечимини топади. “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”


айнан ана шу мақсадларга хизмат қилади.

— Йўл-транспорт ҳодисалари қандай сабабларга кўра рўй беради?

— Кўпинча автоҳалокатларга турли кўринишдаги ва даражадаги қоидабузарликлар сабаб бўлади. Масалан, ҳайдовчининг тезликни ошириши, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариши ҳамда автомобилнинг носозлиги, болаларнинг назоратсиз қолиши, умуман олганда, бепарволик ва лоқайдлик кўнгилсизликларнинг асосий омиллари бўлиб қолмоқда. Шу маънода, ҳар биримиздан феъл-амалдаги лоқайдликни енгиб, йўл ҳаракати хавфсизлигига ҳушёрлик билан ёндашиш талаб этилади.

(Давоми 2-бетда).

9 май — Хотира ва кадрлаш куни



Инсон ҳаёти абадий эмас, лекин хотира мангу, хотира абадий. Тарихий хотирасиз келажақ йўқ, деб бежиз айтилмаган. Аждодлар хотирасига эҳтиром кўрсатган халқнинг бугуни фаровон, эртаси ёруғ бўлади.

Инсон азиз, қадр муқаддас

Эл-юрт тинчлиги, хотир-жамлиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз руҳини шод этиш, шиддатли жанг майдонларида жасорат кўрсатган ҳамюртларимизга ҳурмат-иззат кўрсатиш бизнинг бурчимиздир.

мавқеи мустақамланиб бормоқда. Бундай кунларга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Шу боис фаровон ҳаётимизни асраш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиз бўлмоғи зарур.

ҳаётим мисолида айтаяпман. Яқинда Президентимиз Фармонига биноан, пул мукофотларини олдик. Бундан жуда мамнун бўлдим.



бағишланди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, вазирлик мутасаддилари, ҳарбий хизматчилар ҳамда шу йўналишда фаолият олиб бораётган таълим муассасалари курсантлари қатнашди.

та эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

шу юртдошларимиз олдида умрбод қарздормиз. Биз бу фидойи инсонларни янада кўпроқ кадрлашимиз, уларга нафақат байрам кунлари, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур.

Битирувчининг илк маоши

Коллежда ўқиб, ҳунар этагидан тутган пешкулик Валижон Зарипов яқинда дастлабки маошини олди. Бундан оиласидигилар ҳам жуда хурсанд.

Бандлик

Жамоамизда Валижон сингари ўн саккиз нафар йигит-қиз меҳнат қилапти, — дейди тумanning Боғимуса қишлоғидаги "Шухратмашсервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Толиб Раҳмонов.

уй шароитида парранда боқувчиларга ҳам манзур бўлмоқда. Бултур 180 миллион сўмлик махсуслотни бюртмачиларга етказиб бердик. Яқинда куёнчилик ва бедана-чилик билан машғул тадбиркорлар учун ҳам махсус қафаслар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Жорий йилда вилоятда паррандалар сонини 2,6 миллионга етказиш мўлжалланаяпти. Бу мақсадга эришишда Валижон ва унинг ҳамкасблари томонидан тайёрланаётган махсуслотлар кўл келиши, табиий.

Хитой матбуоти саҳифаларида Ўзбекистон мавзуси

Хитой оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, мустақиллик йилларида эришилган кенг кўламли муваффақиятлар, юртимизнинг ҳорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан тобора ривожланаётган ўзаро манфаатли ҳамда тенг ҳуқуқли алоқалари ҳақидаги хабар-мақолаларни атрофлича ёритиб бораёттир.

Дунё нигоҳи

"Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари: келгули 10 йилга назар" сарлавхали мақолада ёзилишича, икки халқ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари тарихи Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалгани ҳолда улар замонавий босқичда ҳам жадал ривожланмоқда.

2011 йил апрелида Хитойга амалга оширган давлат ташрифлари томонлар барча соҳалардаги ҳамкорлиқни янада чуқурлаштиришга тайёр эканлигини намойиш қилди.

Ўзбекистон ва Хитой сўнги йилларда минтақада, дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашнинг салмоқли омиллиги айланган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини янада мустақамлаш ва ривожлантириш ҳамда мазкур ташкилотдаги ўз фаоли-


ятини фаоллаштиришига алоҳида эътибор қаратмоқда. "Донфан Цзаобао" газетаси, ана шундан келиб чиққан ҳолда, Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ Минтақавий аксилтерров тузилмасининг сўнги мажлисига бағишланган мақола-ни ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола этди. Мазкур мажлис якунларига кўра, ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлиқни янада кучайти-

Илғор ишланмалар, юксак самаралар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Иزلанишларимизнинг яна бири бевосита амалиёт билан уйғунликда олиб борилаётгани ҳозирданок ўз самарасини бера бошлади. Гап шундаки, Олмалик кон-металлургия комбинати мутахассислари билан ҳамкорликда яратилган чанг тутгичларнинг янги авлоди оҳақ заводи ва Ангрэн кўмир кони шахталарида ишлатилмоқда.

иншоотлар мустақамлиги, уларнинг зилзилабардошлигини таъминлашга қаратилган. Хусусан, охириги йилларда гидротехник иншоотларнинг сейсмик турғунлиги ҳамда хавфсиз эксплуатация қилинишини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

тўғонларнинг мустақамлиги ҳамда сейсмик турғунлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқибли, амалиётга жорий этилапти.

Ҳамидулла САГДИЕВ, Механика ва иншоотлар сейсмик мустақамлиги институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

Маънавий баркамоллик сари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрик-танловда сўзга чиққан Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Фулом Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ислоҳ этиш,

баркамол авлодни вояга етказиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши йўлида изчил амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

дорлик даражаси ҳамда бошқа жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

бошқаруви раиси Феруза Холмирзаева, Шаҳрисабз тумани "Чоштепа" маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Рўзимурод Алиев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистри Самариддин Бердиев, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Элёр Носиров, Тошкентдаги Уйғур миллий маданий маркази раиси, Республика Байналмилал маданият маркази қошидаги "Дўстлик наволари" ансамбли раҳбари Раҳима Баротова, Миллий телерадиокомпаниянинг "Тошкент" канали "Мулоҳаза учун" кўрсатуви муаллифи, журналист Сайёра Абдуллаева қолиб деб топилди.

Иزلаниш

Навбахор туманида ғишт махсуслотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хусусий корхона иш бошлади.

Нархлар арзонлашди

Мазкур "Навбахор қурилиш махсуслот" қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқаришга қўшилган қўшимча қиймат 20 миқдорида қисқартирилди.

— Техноложиялари-миз энергияни 50 фоизга тежаж имкони-ни бермоқда, — дейди корхона раҳбари Зафар Бекназаров. — Яна бир муҳим жиҳати, айланма печларимиз зарурат туғилганда кўмир билан ҳам ишлайди. Бу эса махсуслотларимизнинг таннари қарийб ярим баробар арзонлашшини таъминла-япти.

Ҳаракат хавфсизлиги ва масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ яна қандай қоида-бузарликлар кўпроқ кўзга ташланади?

— Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан назорат ва профилактика тадбирлари изчил ташкил этилган бўлиб, жорий йилнинг уч ойида 764 мингга яқин кўпол қоида-бузарлик ҳолатлари аниқланди.

геси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошидаги ҳаракат хавфсизлиги комиссиялари ўзларининг ҳудудларидаги йўл ҳолатини назорат қилади, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини юксак босқичга кўтариш бўйича аниқ режа ишлаб чиқиб, унинг ижросини таъминлайди.

посбонлар, тиббиёт ходимлари ва ОАВ вакилларидан иборат махсус гуруҳлар тузилиб, рейдлар ўтказилади. Бундан ташқари, йўллар ва бозорлар, идора ва ташкилотлар, болалар муассасалари атрофидаги пиёдалар йўлакчалари, йўл белгилари, светофорлар ҳолати текширилиб, зарур бўлса, янги-ларини ўрнатиш юзасидан маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар кири-тилади.

Дарҳақиқат, ҳар биримиз кўчага чиқиб, йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Демак, белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишимиз шарт ва зарур. Зеро, бахтисиз ҳодисанинг олдини олиш ўз қўлимизда. Шундай экан, ҳайдовчию йўловчилар, айниқса, болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишларини таъминлаш ҳамда ана шундай хайрли мақсадда ташкил этилган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"да фаол қатнашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги да қандай тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган?

— Тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кен-

Ойлик жараёнида автокорхоналар ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари,

Дарҳақиқат, ҳар биримиз кўчага чиқиб, йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Демак, белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишимиз шарт ва зарур. Зеро, бахтисиз ҳодисанинг олдини олиш ўз қўлимизда. Шундай экан, ҳайдовчию йўловчилар, айниқса, болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишларини таъминлаш ҳамда ана шундай хайрли мақсадда ташкил этилган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"да фаол қатнашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Мансуржон РИХСИЕВ суҳбатлашди.

— Техноложиялари-миз энергияни 50 фоизга тежаж имкони-ни бермоқда, — дейди корхона раҳбари Зафар Бекназаров. — Яна бир муҳим жиҳати, айланма печларимиз зарурат туғилганда кўмир билан ҳам ишлайди. Бу эса махсуслотларимизнинг таннари қарийб ярим баробар арзонлашшини таъминла-япти.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кулайлик

Термиз туманида лойиҳа қиймати 500 миллион сўмлик "Амударё Жануб юлдузи" хусусий корхонаси ташкил этилди.

Парваришнинг илғор усули

Эътиборлиси, паррандачиликка ихтисослаштирилган ушбу корхонада товуқлар компьютерлаштирилган техноложиялар асосида парваришланмоқда.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ҳаҳон» АА.



24 соат ичида

Соф фойда ошди

Жанубий Кореянинг "Samsung" корпорацияси жорий йилнинг биринчи чорагини мўмай даромад билан якунлади.



Яъни корхона бу даврда 4,44 миллиард АКШ доллари миқдорига соф фойда кўрган. Бу 2011 йилдаги кўрсаткичдан 22 фоизга кўпдир.

Этиборлиси, кейинги ҳафтада корпорация янги кўринишдаги "Galaxy"ни намойиш этишни режалаштирмакда.

Қаҳванинг мўъжизаси

Қаҳва истемол қилиш компьютер олдига узок ишловчи кишиларнинг кўзлари зарарлигини сезиларли даражада камайтира экан.

Бу Япониянинг Токио университети қошидаги тиббий маркази олимлари томонидан олиб берилган кузатишларда аниқланди.

нуктага тегилиб ўтириш кўзининг муғуз ҳамда шиллик пардасини ювиш учун хизмат қилувчи ёш ажралиш жараёни бузади. Қаҳва ичимлиги эса кўздан ёш чиқишини жаддалаштира экан.

Ғайритабиий ҳодиса

Покистоннинг Суккур шаҳрида ғайритабиий ҳодиса кузатилди. Яъни бу ердаги касалхона хизматчиси Имрон Шайх оиласида олти оёқли чақалоқ дунёга келган.

Манбага қараганда, туғуруқ жараёни туғилиш вақтидан анча олдин бўлганига қарамай, она ва боланинг аҳоли қониқарли даражада экан.

Табиийки, бу шов-шувли воқеа тиббиёт ходимларининг ҳайратини оширган. Шу боис улар мазкур ҳодиса сабабларини аниқлашга киришиб кетдилар. Мутахассислардан бири, Карачи шаҳридаги Болалар саломатлиги миллий институти директори Жамол Ризоннинг таъкидлашича, ортиқча азолар она қорнида шаклланиб улгурмаган эгизакларга тегишли. Шунингдек, у эр-хотиннинг бир-бирига қариндошлиги ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин эканлигини айтмоқда.

Таажжубланарли қарор

Европанинг йирик банкларидан бири — "HSBC" Буюк Британиядаги ўзига қарашли муассасаларда фаолият олиб бораётган 3167 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишга қарор қилган.



Бу ҳақда "The Guardian" нашри хабар тарқатди. Табиийки, мазкур қарор ишчилар ўртасида норозиликларни келтириб чиқарди. Банк касаба уюшмаси раҳбари Дэвид Флемингнинг айтишича, молия муассасаси ўтган йили 13,8 миллиард фунт-стерлинг миқдорига маб-

лаг ишлаб олган бўлса-да, қисқартириш амалга оширилаётгани таажжубланарли экан.

"HSBC" раҳбари Стюарт Гулливер эса банк даромадларини ошириш мақсадида 2013 йилга қадар ходимлар сони 30 минг нафарга камайтирилишини бундиган. Шунингдек, унинг 14 та мамлакатдаги бўлимлари фаолияти тўхтатилиши ҳам кўзда тутилган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ҳозир "HSBC" умумий ходимлари сони 288 минг кишини ташкил этади.

Финалда

испан клублари

Кунни кеча футбол бўйича "Кўҳна қитъа" клублари ўртасида нуфузи жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи Европа лигасининг яримфинал жавоб учрашувлари ўтказилди.

Ушбу ўйинларда Испаниянинг учта жамоаси финал йўлланмаси учун кураш олиб борди. Жумладан, "Валенсия" ўз майдонида "Атлетико" (Мадрид) клубига, Бильбаонинг "Атлетик" жамоаси эса Португалиянинг "Спортинг"ига қарши майдонга чиқди. Кескин курашларга бой ўтган учрашувларда "Атлетико" ва "Атлетик" финал йўлланмасига эга бўлди. Икки ўйин натижасига кўра мадридликлар "Валенсия"ни 5:2, Бильбаоликлар эса Лиссабонлик чарм тўп усталарини 4:3 ҳисобда мағлубиятга учратдилар.

Ушбу жамоалар ўртасидаги финал ўйини 9 май кунни Бухарест (Руминия) шаҳрида ташкил этилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» MЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани судининг 2011 йил 23 июндаги 1-357/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, «Эски Тошкент» ҚФЙ худудидида жойлашган, умумий ер майдони 1,0678 гектар бўлган 2-ферма бино ва иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда такоран кўйилмоқда. Ферма 26 та бино ва иншоотлардан ташкил топган.

Аукцион савдоси 2012 йил 16 май кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Иқтисодиётимизнинг изчил тараққий этишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта. Шу боис кейинги йилларда мазкур соҳа вакилларига давлатимиз томонидан катта имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Бу эса янги маҳсулот турлари ўзлаштирилишига, "Ўзбекистон-да ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан экспорт қилинаётган истеъмол товарлари кўпайишига хизмат қилаяпти.

Сифат – маҳсулот кўзгуси

Бинобарин, қишлоқ ва маҳалларда фаолият юритаётган бундай кичик корхоналар савий-ҳаракати билан аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан таъминланаётгани қувонарлидир.

Хусусан, пойтахтимиздаги "Keng Makon" корхонасида ҳам ўн саккиз йилдан буён меъбел жижозлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тайёрланган бежирим, сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларига эга. Қолаверса, корхона мебеллари "Мебель — 2011 Москва", "China International Furniture Expo — 2011" ва "Мебель — 2011 Алматы" каби халқаро кўргазмаларда ҳам муносиб эътирофга сазовор бўлган. Ўз навбатида, жамоа хорижда ташкил этилаётган турли анжуманларда фаол иштирок этиб, чет эллик ҳамкорлари билан ўзаро тажриба алмашишга ҳам муваффақ бўлаётди.

Сифат — маҳсулот кўзгуси. Бунинг янги англаган корхона ишбилармонлари илгор технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг татбиқ этмоқда. Қолаверса, миллий хунармандчилик анъаналари акс эттирилган нақшинкор жиҳозларни тайёрлашда малакали мутахассисларнинг меҳнати кўл келаётди.



— Одатда мебелларга пенополиуретан воситасида нақш солинади, — дейди ишлаб чиқариш чеҳи бошлиғи Жамшид Зайниддинов. — Бироқ бундай безаклар ташқи таъсирларга чидамсиз. Шу боис улар кўп ўтмай, яроқсиз ҳолга келади. Биз эса ёғочга кўл меҳнати, яъни ўймакорлик асосида ишлов берамиз. Бунинг учун кўлигул хунармандларни ишга жалб этганмиз. Улар Ғарб ва Шарқ меъморчилик анъаналарини уйғунлаштириб, замон андозлариغا мос кўркам ва мустақкам мебеллар тайёрлашапти.

Маҳсулотнинг хари-дордир бўлиши ҳам ашё сифатида ҳам бонлиқ. Шу боис "Keng Makon" жамоаси чинор дарахтидан кенг фойдаланмоқда. Негаки, у мустақкамлиги, намликка чидамлилиги, қуриши жараёнида ўз шакли ва сифатини йўқотмаслиги билан ажралиб туради. Бунинг учун ёғочлар навларга ажратилиб, дастлабки ишловдан ўтказилади, келгусида хашарот ва микроорганизмлардан ҳимоя қилиш мақсадида махсус суюқликка қайна-

тилади. Кейинги босқичда эса ёғочлар махсус камераларда 30-45 кун мобайнида қурилади. Ниҳоят тайёр бўлган хом ашё сараланиб, усталар кўлига топширилади.

Дарвоқе, корхона "ISO 9001:2008" халқаро сифат сертификатига эга. Ўтган йили эса "Keng Makon" Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳрида бўлиб ўтган аънавий "Европа Бизнес Ассамблеяси" томонидан Европа стандартларига мос оқори сифатга эришгани учун "Европа сифати" халқаро мукофоти билан тақдирланди. Қолаверса, мамлакатимизда ўтказилаётган "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг Тошкент шаҳри босқичида корхона раҳбари иккинчи ўринни кўлга киритди.

Бугунги рақобат муҳитида жаҳон бозоридан мустақкам жой эгаллаш осон эмас. Бунинг учун чет эллик харидорларнинг диди, эҳтиёж ва талабини пухта ўрганиб, сўнг ишга киришиш лозим. Ғарчи "Keng Makon" бу борада бир қатор муваффақиятларга эришаётган бўлса-да, жамоа кўлга киритилган ютуқлар билан қифояланиб қолмоқчи эмас. Шу мақсадда корхонада маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, илгор ва тежамкор технологиялар ёрдамида мебеллар сифатини янада яхшилаш борадида изчил изланишлар давом эттирилмоқда.

Маъсуда ЁҚУБОВА.

• Реклама ва эълонлар •

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Наманган вилояти филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига кўйилган мулклар кўйилмоқда:

1. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2011 йил 23 декабрдаги 1/8125-сонли ижро варақасига асосан, Косонсой тумани СИБ томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Бобур шоҳқўчасида жойлашган, фойдаланишдаги умумий ер майдони 1048,0 кв.м., фойдали майдони 47,30 кв.м., яшаш майдони 20,80 кв.м. бўлган 118-сонли тураржой биноси.

Бошлангич баҳоси — 237 119 650 сўм.

2. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2011 йил 23 декабрдаги 1/8125-сонли ижро варақасига асосан, Косонсой тумани СИБ томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Бобур шоҳқўчасида жойлашган, фойдаланишдаги умумий ер майдони 493,0 кв.м., фойдали майдони 126,90 кв.м., яшаш майдони 71,60 кв.м. бўлган 120-сонли тураржой биноси.

Бошлангич баҳоси — 412 013 120 сўм.

3. Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 29 мартдаги 16-1103/895-сонли ижро варақасига асосан, Наманган шаҳар СИБ томонидан хатланган, «Наманган технолоґ» ДУКга тегишли, Наманган шаҳри, Оромгоҳ мавзеси, шимолӣ айланма йўлида жойлашган, фойдаланишдаги умумий ер майдони 6588,03 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар, ўсимлик ҳамда дарахтлар билан бирга.

Бошлангич баҳоси — 444 061 915 сўм.

4. Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 29 мартдаги 16-1103/895-сонли ижро варақасига асосан, Наманган шаҳар СИБ томонидан хатланган, «Наманган технолоґ» ДУКга тегишли, Наманган шаҳри, Оромгоҳ мавзеси, шимолӣ айланма йўлида жойлашган, фойдаланишдаги умумий ер майдони 6061,0 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар, ўсимлик ҳамда дарахтлар билан бирга.

Бошлангич баҳоси — 141 929 253 сўм.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Хоразм вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига кўйилган мулклар кўйилмоқда:

1. Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 20 октябрдаги 10613-сонли, 2011 йил 11 апрелдаги 22-010 04/10613-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар СИБ томонидан хатланган, «Ягона бюротмачи хизмати» инжиниринг компаниясига қарашли, Урганч шаҳри, Термиз кўчаси, 5-ўйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 676,69 кв.м.ни ташкил қилган, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бинолари ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга.

Бошлангич баҳоси — 127 538 000 сўм.

II. Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 1 майдаги 22-010 02/2301-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар СИБ томонидан хатланган, «Қурилиш монтаж участка» МЧЖга қарашли, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчасида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 735,75 кв.м.ни ташкил қилган, 5 қаватли тураржой биносининг 4-қаватидаги 4-хонали, 9-хонадондан ташқари қисми.

Бошлангич баҳоси — 1 502 174 000 сўм.

Шифобахш неъмат

Мутахассисларнинг фикрича, юртимиз иклими шароити асал еттиштириш учун жуда қулай. Шу боис кейинги йилларда мазкур тармоқ муҳим даромад манбаига айланди. Асаларичиликка ихти-сослаштирилган ҳўжаликлар, тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.



Асаларичилик

Навоий вилоятида ҳам бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда биргина Қизилтепа туманида юздан зиёд ана шундай ҳўжаликлар ташкил этилгани, улар савий-ҳаракати билан маҳаллий аҳолининг ушбу шифобахш неъматга бўлган эҳтиёжи қондирилиб, янги-янги иш ўринлари вужудга келаётгани қувонарлидир.

Айниқса, Азамат Муродовнинг фаолияти кўпга ўрнак. У бундан бир неча йил аввал хориждан болларнинг наслдор турини келтириб кўпайтиришни йўлга қўйган эди. Натижа кутилганидек самарали бўлди.

— Бу митти жонзотнинг меҳнатини кўриб ҳайратланаман, — дейди Азамат Муродов. — У соатига 6,5 километр тезликда учиб, бир кунда ўртача 600-700 та гулга қўнади. Оиласидан 3 ва ундан ортиқ чақирим узокликдаги худудларни айлиниб чиқади. Бир килограмм бол йиғиш учун 19 миллионга гулдан шира тўплайди. Бунинг учун эса

300 минг километр масофани босиб ўтиши лозим. Дарҳақиқат, нектар йиғиш қанчалик машаққатли бўлса, асалари парвариши ҳам осон юмуш эмас. Бунинг учун инсондан меҳр, сабр-тоқат, тадбиркорлик талаб этилади. Қувонарлиси, вилоятда ўз касбини қадрлаган бундай ишбилармонлар бисёр. Карманалик Мамади Қўзиев — шулардан бири.

— Асалари доимий назорат остида парваришланса, айниқса, қиш соғувидан бета-талф олиб чиқилса, кўп ва яхши маҳсулот еттиштирилиши турган гап, — дейди Мамади ака. — Шунга амал қилиб кам бўлмадик. Ўтган йили 130 та асалари оиласидан 4 тоннадан зиёд бол олишга эришдик.

Бугун Навоий вилоятидаги 258та ихтисослаштирилган соҳа фермер ҳўжалиги, шунингдек, шахсий ёрдамчи ва ўрмон ҳўжаликларидида қарий 23 мингта асалари оиласи боқилмоқда. Бу жорий йилда ҳам мазкур худудда шифобахш неъмат мўл бўлишидан далолатдир.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мўзгарам юртдошлар! Сиз учун имконият!

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маблаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатишда ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини қафоламаймиз.

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15,

236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» MЧЖ

«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 26 апрелдаги 81 (5501)-сонидида чоп этилган эълонга кўйилгандаги тузатиш киритади:

Савдога Хамза тумани СИБ томонидан, 2011 йил 25 июлдаги 21430/4-сонли бирлаштирилган ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «JUMUM QURILISH SERVIS» XICQKга қарашли, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод (собиқ О. Зокиров) кўчаси, 85-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 10441 кв.м., фойдаланиш майдони 523 кв.м.дан иборат 4 та бино (блок-1 қоровулхона биноси — 14 кв.м., блок-2 ёрдамчи бино — 23 кв.м., шийпон майдони — 13 кв.м., блок-3 бокс биноси — 42 кв.м., блок-4 маъмурий бино — 431 кв.м.) кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 1 404 710 000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси атоқли олим, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ва тараққий стратегияси кафедраси муdiri, «Меҳнат шўҳрати» ордени соҳибни, филология фанлари доктори, профессор **Нажимилдин КОМИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкентда қитъа полвонлари беллашмоқда

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасида яна бир нуфузли мусобақа — дзюдо бўйича Осиё чемпионатига старт берилди.

Осиё чемпионати

Халқаро дзюдо федерацияси тақвими-дан жой олган мазкур спорт анжумани Осиё дзюдо уюшмаси, Ўзбекистон Респуб-



ликаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда қитъамизнинг 26 давлатидан келган энг сара 185 нафар спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, ушбу мусобақада дзюдочилар Лондон шаҳрида ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмалар учун яқиний рейтинг очколари ҳам тўллашади. Айнан шу жиҳат ҳар бир баҳсининг ўта муросасиз ва кескин ўтишини таъминлаши, шубҳасиз.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар кейинги йилларда Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бораётганини, соҳанинг моддий-техник базиси тобора мустаҳкамланаётганини билдирдилар. Айнан соҳага қаратилган юксак эътибор туфайли юртимиз кейинги йилларда нафақат қитъада, балки жаҳонда ҳам нуфузли мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш имкониятига эга бўлиб бормоқда. Бунга айни пайтга қадар мамлакатимизда дзюдо бўйича ташкил этилган Жаҳон кубоги, Осиё чемпионати халқаро турнирлари мисол бўла олади. Кайд этиш жоизки, мазкур Осиё чем-

пионатда юртимиз шарафини эркаклар ўртасида Улугбек Азизов (-60 кг.), Мирзохид Фармонов (-66 кг.), Наврўз Жўрақобиев (-73 кг.), Дилшод Чориев (-90 кг.), Рамзиддин Саидов (-100 кг.), Одижон Тулендибоев (+100 кг.), хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда эса Нодира Гулова (48 кг.), Рима Бердиқулова (-52 кг.), Дилдора Убайдуллаева (-57 кг.), Наргиза Ҳамдамова (-63 кг.), Гулноза Матниёзова (-70 кг.), Ирода Матмуродова (-78 кг.), Елена Могиллина (+78 кг.) каби истеъодли спортчиларимиз ҳимоя қиладилар. Машҳур дзюдочиларимиз Ришод Собиров (-60 кг.) ва Абдулла Тангриев (+100 кг.) жамоавий баҳсларда ўз маҳорат ва имкониятларини намойён этидилар.

Мусобақа доирасида ташкил қилинадиган жамоавий баҳсларда энг юқори натижани кўрсатган тўртта терма жамоа эса шу йилнинг кузида Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

— Юртингизга олдин ҳам бир неча бор келганман, — дейди Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) президенти Мариус Визер. — Шу боис Ўзбекистонда спортга қаратилган улкан эътибордан яхши хабардорман. Бу ерда ўғил-қизлар жисмоний тарбия билан шуғулланиб, ўз саломаатликларини мустаҳкамлашлари учун яратилган шарт-шароитларга ҳавас қиласиз арзийди. Табиийки, бундай бекиёс фамхўрлик оғушида камолга етаётган навқирон авлод вакиллари юрт шаънини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишга интиладилар. Ўзбекистонлик Ришод Собиров, Абдулла Тангриев каби дзюдочилар эришаётган муваффақиятлар замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужасамдир.

Ф. ИБРАГИМОВ.

Эзгулик — мангудир

Гузар маҳалласи қишин-ёзин бирдай яшнаб турадиган арчалардан бошланади. Улар кўламда безаниб, ҳазоррезги кузада япроқларидан ажралиб, шумшайиб қоладиган бошқа дов-даракларга ўхшамайди: қишли-қировли кунларда ҳам, саратон жазираси — олов пурқайдиган кезларда ҳам кўламоймак туғфа этган ям-яшил либоси билан безанганча тураверади. Сулув ва мафтункор арчаларни Набижон ака эккан. Ушанда унинг Таваккал, Толибжон исми ўғиллари ҳали жуда ёш эди. Кенг ва тизза бўйи чуқурликка қирган ўғит ташланиб ўтказилган ана шу ниҳолларга болакайлар югуртилаб-югуртилаб дўппиларида, ҳову-чларида сув келтириб қуйган эдилар.

Дарахтлар ҳам аслида одам боласини соғиниб, унинг йўлларига кўз тутиб томир отар экан. Меҳр сингган жойда куртаклари яйраб-яйраб япроқ ёзаркан. Одамзоднинг кўзлари нуридан, бармоқлари ҳароратидан ранг олар экан. Набижон аканинг арчалари яхшилар эъзозидан, атрофдагилар эътиборидан барқ уриб кўкка бўй чўзди. Ҳозирга келиб улар кўзга сурур, қалбга адоғи йўқ хузурларни бағишлайди.

— Набижон ака яхши инсон эдилар, — хотиралари жонланади маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азамжон Солиевнинг. — Яқин қирқ йил одамлар хизмати учун белига болган белбоғини ечмади. Яхшиликни зийнат деб билди. Атрофдагиларга яхшилик илиниб, яхшилик улашиб яшайди. У ҳашаматли иморатлар қуриш, гум-бурлатиб тўйлар қилишни эмас, эл қорига ярашни, ҳамқишлоқларининг, жила бўлса-да, жонига оро киришни афзал кўрди.

— Иши бошдан ошиб ётганига қарамай, бизнинг 11-умумтаълим мактабимизга тез-тез келиб турарди, — дейди келиб муаллим Турғунхон Тожихонов. — Юқори

Яхшилик — бебаҳо

синф ўқувчиларини залга тўплаб эдик-да, ўйинқарок, дангасарок болалардан уч-тўрттасининг номларини Набижон акага шипшитиб кўярди.

— Мактабни битиргандан кейин оппоқ кўйлақларни кийиб, ўзимизда чиқаётган машиналарни ярқиратиб минни юришни хоҳламайсизларми? — Набижон аканинг юракка чўғ ташловчи лутфидан боғий ўсмирларнинг кўзлари чакнаб кетарди. "Албатта хоҳлаймиз-да", дейишарди бараварига.

Ушандай дамларда Набижон аканинг буғдойранг юзлари бирдан ёришиб кетарди.

— Ундай бўлса, яхши ўқинглар, — дерди у меҳр билан. — Билими зўр, қўлида гулдай хунари бор одамнинг нони бутун бўлади, бироқ хунарнинг этагидан тутиша ҳафсаласи бўлмаган ўйинқароқ, уйқучи, ишёқмас бола кейинчалик ўз уйининг хизматқорига, рўзгорининг мардикорига айланади. Шунини унутманглар.

Ерга урсангиз кўкка сап-

чидидаган, ота-ониси ва устозларининг ўғитларини маслаҳатлари, беозор танбеҳлари бу қулоғидан кириб нариги қулоғидан чиқиб кетадиган боғий тўплончи болалар Набижон аканинг ўша биргина сўзидан кейин сергак тортиб қолишарди. Юриш-туришлари, ўқишлари ижобий томонга ўзгарарди.

— Халқимизнинг "Дўст кулфатда билинади" деган ҳикмати беихтиёр кўз олдимизда Набижон акани гавдалантиради, — сўхбатга қўшилади Избоскан туманидаги "Шерматобод" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Азимжон Мамажонов. — Ҳамқишлоқларининг кичкинагина муваффақиятидан ҳам яйраб кетадиган бу инсон бирон кўргиллик ёки мушибатдан хабар топувдай бўлса, чуқур изтиробга тушади. Бир кун денг Турдимат қосибнинг уйи ёниб кетди. Бу ёқда қор гупиллаб урапти. Жўжабирдай жон чирқираб қолди. Жабрдийдаларнинг дилдари турган танларини тасалли бериш, юпатиш, борингки, унча-мун-

ча маблағ билан илитиб бўлмайди-ку. Набижон ака нима қилди денг, жўралари билан гурунглашадиган меҳмонхонани бўшатиб берди. Бутун оила шу ерда қишлади. Кунлар илгич, ўғли Толибжонни уйлаш учун йиғиб, юрган пулни қумдан тортиб, шағал тўктиришга, ёғоч-тахтадан тортиб, шифер сотиб

олишга сарфлади. Холбуки, Турдимат қосибнинг Набижон акага ҳеч қандай қариндошчилиги йўқ. Набижон ака Халилов вафот этган кунни бутун қишлоқ оёққа қалқди. Қабристон бирмунча олисда бўлишига қарамай, уни халқ сўнги манзилга бирор улловда эмас, елкаларида кўлма-кўл кўтариб борди. Ҳар бир қишлоқнинг, ҳар бир музофотнинг ўз тутқилари, илдириши чуқур кетган чинорлари бўлади. Избосканнинг ҳам Холжўра ота Ғозиев, Мамадали ота Суяров, Комилжон ота Худой-

Улар ўзларидан ибрат мактабини қолдириб кетдилар. Йўл бўйидаги ям-яшил дарахтлар шунчаки дарахтлар эмас. Набижон аканинг бармоқлари излари қолган арчалар инсон дунёга яхшилик қилиш учун, эзгулик улашиш учун, яратиб ўқини еслатиб туривчи ҳикмат дарахтларидир. Улар одам боласи тирикчилигида ўзидан яхши ном, ибрат бўларли из қолдиришга шошилмоғини, ҳаммиса ва ҳар дам бир-бирини қўллаб-қувватламоғи, елкадош бўлиб яшамоғини англаб туривчи ҳаёт дарахтларидир. Улар бор экан, Набижон ака ва унга ўхшаганларнинг номлари умрларидан узоқ яшаверади. Биз бунга ишонамиз.

Одижон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Миллий ҳунармандчилик ривожига эътибор

истеъодларни кашф қилишда катта аҳамият касб этмоқда

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни қайта тиклаш ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Шунинг самараси ўлароқ, халқимизга хос қадриятлар бўлоғи қайта кўз очди. Айниқса, миллий ҳунармандчилигимиз жадал раванқ топди. Албатта, бунда соҳа тараққиёти учун яратиб берилган қулайлик ва преференциялар муҳим ўрин тутди.

Қадрият



Ш. ШАРАПОВ олган сурат.

Ўз навбатида, бундай шарт-шароитлар ёш авлод ўртасида ҳам миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ёш иқтидор соҳибларини кашф этиш ва уларни рағбатлантиришни изчил механизмини яратди.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг биринчи курс талабаси Нигора Пўлатова — ана шундай умидли ёшлардан бири. Болалиқдан рассомликка қизиқиб, халқ амалии санъати намуналаридан ҳайратланиб улгайган Нигорахон каштачилик, ёғоч ўймакорлиги бўйича ташкил этилган тўғаракларнинг фаол аъзосига айланди. У Замира Нуридинова, Шухрат Исло-

мов, Гулчехра Алимова каби устозларидан ранг-тасвир, дизайн, ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини ўрганди.

"Интиланганга толе ёр", дейдилар. Бинобарин, унинг ижод намуналари дастлаб "Камалак" болалар ташкилоти томонидан ўтказилган ҳунармандчилик фестивалларида таниқли мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Ўз устида доим ишлаб, изланган Нигора ёш бўлишига қарамастан, республика "Хунарманд" уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган "Қўли гулдир

ўзбек аёлини" кўرғазма-ярмаркасининг махсус дипломини кўлга киритди. Айни чоғда у "Ташаббус" кўрик-танлови босқичларида қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой олди. Хусусан, жорий йили мазкур танловнинг шаҳар босқичида "Йилнинг энг ёш ҳунарманди" номинациясида ғолибликка лойиқ топилди.

— Ҳунармандчилик менга момомерос касб, — дейди Нигора. — Негаки, бувимлар уйда ўтириб кўрпак-тўшак қавирдилар, бежирим нимча-ранг тикардилар. Ана шундай муҳитда улгайганим сабабли ҳам халқ ҳунармандчилигига меҳрим тушди. Қолаверса, юртимизнинг бетакорр табиати, гўзалликларидан илҳомланаман. Ота-онам ютуқларимдан қувониб, ҳаммиса қўллаб-қувватлашади, йўл-йўриқ кўрсатади.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, унинг ташкилий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан Нигоранинг оиласи ҳам бебаҳра қолмади. Боиси пойтахтимиздаги "Чорсу" савдо мажмуасидан ёш ҳунарманд дўкон учун жой ажратилди. Ҳозир у ерда ёш иқтидор эгаси ўз кўллари билан миллий матолар, хусусан, адрес, атласдан тикан либослар, каштачилик, зардўзлик буюмлари, ёрқин тош ва мунчоқлардан ишлаган ижодий коллекциялари сотувга қўйилди. Улар нафақат юртдошларимиз, балки хориқлик миллий ҳунармандчилигимиз иш-қибозларига ҳам маъқул бўлмоқда.

Нигора яқин келажақда ҳунармандчиликка оид билим ва кўникмаларни ўрганишни хоҳловчилар учун ўқув маркази очини режалаштирапти.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал тараққий топиши учун очиб берилган кенг йўл ўлишини ҳам янги-янги марралар сари ундамоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Танлов

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан анъанавий "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Дарс ва баҳс

Мазкур танлов халқ таълими тизимини даволлаш қўрсатаётган устоз ва мураббийлар орасидан ташаббускор, изланувчан, илгор тажрибали ўқитувчиларни аниқлаш, рағбатлантириш ҳамда уларнинг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларида ўтказилган ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан 186 нафар иштирокчи тўртта тур бўйича билим ва маалакани синовдан ўтказди. Кўрик-танлов шартларига кўра, қатнашчи вақтдан унумли фойдаланган ҳолда, услуб ва замонавий педагогик технологиялар асосида таълимдаги ислохотлар борасидаги билиминини намойиш этиб, ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда намунавий дарс ўтиши талаб қилинади. Табиийки, фаол, ижодкор, изланувчан педагоглар бунинг улдасидан чиқишга астойдил интилишди. Шундан сўнг танловнинг "Энг яхши фан ўқитувчиси" номинацияси бўйича ғолиблар аниқланди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, Мингбулоқ туманидан Санобар Абдурахмонова она тили ва адабиёти фанидан, Яққасарой туманидан Лия Шарипова француз, Чилонзор туманидан Нигора Убайдуллаева инглиз, Чуст туманидан Сайфиддин Латипов немис, асакалик Замирахон Назарова эса ўзбек тили фанлари бўйича "Энг яхши фан ўқитувчиси" бўлишди. Бошланғич таълим йўналишида эса бухоролик Нафиса Сафарова тенгсиз деб топилди.

Б. ШАЙВАЛИЕВ.

Навқирон юрт жамоли

Ўзбекистон давлат санъат музейида Самарқанд давлат музейи кўриқхонасининг тасвирий санъат замғармасида сақланаётган асарлардан иборат "Кўҳна заминга ошуфта ранглар" номли кўрғазма очилди.

Кўрғазма

Унда М. Қалантаров, З. Ковалевская, Р. Тимуров, Р. Аҳмедов сингари бир қатор танқили мўйқалам усталари-

нинг юртимиз жамоли, халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари ифодаланган юздан зиёд асарлари ўрин олган. Шунингдек, қадимий ва навқирон Самарқанд ҳамда Бухородаги кўҳна обидалар, файзли кўчалару бу ерда истиқомат қилаётган

аҳоли турмуш тарзи акс эттирилган.

Кўрғазманинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у туфайли томошабин рассомлар ижодидан баҳраманд бўлиши билан бирга, ушбу суратлар орқали боқий аъналаримиз мазмун-моҳиятини янада теранроқ ҳис этади.

М. КАРИМОВА.

ОБ-ҲАВО (28 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида

+13 +18 +23 +28

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

+13 +18 +23 +28

Бухоро ва Навоий вилоятларида

+13 +18 +23 +28

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида

+13 +18 +23 +28

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

+13 +18 +20 +25

Тошкент шаҳрида

+14 +16 +23 +25



Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Д. Солиқов. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.40 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5